O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Majburiy bepul nusxa

XDP O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

O'ZBEKISTON OVOZI

SHU AZIZ VATAN — BARCHAMIZNIKI!

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

• 2010-yil • 23-dekabr • Payshanba • 150 (31.270) • (Tel. Faks) 233-12-56 • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

www.uzbekistonovozi.uz e-mail: info@uzbekistonovozi.uz

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРИГА ФУҚАРОЛАРНИ НАВБАТДАГИ ЧАҚИРУВ ҲАМДА МУДДАТЛИ ҲАРБИЙ ХИЗМАТНИНГ БЕЛГИЛАНГАН МУДДАТЛАРИНИ ЎТАБ БЎЛГАН ҲАРБИЙ ХИЗМАТЧИЛАРНИ ХИЗМАТДАН БЎШАТИШ ТЎҒРИСИДА

«Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ:

1. Чақирилиш муддатини кечиктириш ҳуқуқига эга бўлмаган Ўзбекистон Республикасининг чақирув ёшидаги фуқаролари 2011 йилнинг февраль-март ойларида муддатли ҳарбий хизматга чақирилсин.

Муддатли ҳарбий хизматни ўташга яроқли ҳамда чақирилиш муддатини кечиктириш ва чақирилишдан озод этиш ҳуқуқига эга бўлмаган, бироқ ушбу чақирув мобайнида Қуролли Кучлар сафига чақирилмайдиган фуқаролар сафарбарлик чақируви резервига олинсин.

2. Муддатли ҳарбий хизматнинг белгиланган муддатларини ўтаб бўлган фуқаролар 2011 йилнинг март-апрель ойларида Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари резервига бўшатилсин.

3. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.Мирзиёев ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Миллий хавфсизлик кенгаши Котиби М.Атаев зиммаларига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти **И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2010 йил 22 декабрь

✔ Бир қатор нуфузли халқаро институтларнинг баҳолашича, Ўзбекистон дунёнинг **125** давлати орасида **хотин-қизлар учун қулай шароитлар яратиш ва оналикни муҳофаза қилиш борасида** етакчи ўринлардан бирини эгаллаб турибди. Буни **ЮНИСЕФ**нинг Шарқий Европа, Болтиқбўйи ва Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатлари бўйича офиси томонидан оналик ва болаликни муҳофаза қилиш борасидаги дастурларни жорий қилишда Ўзбекистоннинг минтақадаги **намунавий модель** сифатида эътироф этилгани ҳам исботлайди.

Юрт ободлиги йўлида

Миллий автомагистралда иш қизғин

■ Жаҳон андозалари даражасида бунёд этилаётган Ўзбекистон миллий автомагистрали — «Ғузор-Бухоро-Нукус-Бейнав» йўлининг Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудидан ўтувчи 132 километрлик қисмини қайта реконструкция қилиш ишлари давом этмоқда.

Бундай йирик автотрассаларнинг бунёд этилиши мамлакатимиз иқтисодий салоҳиятининг янада юксалишига, экспорт ва импорт имкониятларининг кенгайишига, халқаро иқтисодий алоқаларнинг мустаҳкамланишига хизмат қилади.

Автомагистралнинг Хўжайли, Қанликўл ва Қўнғирот туманлари ҳудудидан ўтувчи қисмида улкан ҳажмда реконструкция ишлари амалга оширилмоқда. Эни 15 метр бўлган йўл кенгайтирилиб, 27,5 метрга етказилаётир. Ер остидан сув ўтказгичлар, электр линиялари тортиш, водопровод ва табиий газ қувурларини ўтказиш, коллекторларни кўчириб, қайта қазиш ишлари ҳам олиб борилмоқда.

Йўлсозларга узлуксиз сифатли асфальт-бетон қопламаси етказиб бериш мақсадида Қанликўл ва Қўнғирот туманларида янги завод барпо этилди.

2010 йилнинг май ойидан буён фаолият кўрсатиб келаётган Қўнғирот асфальт-бетон заводида йигирмага яқин киши меҳнат қилади. Замонавий технология асосида ишлаб чиқаришни йўлга қўйган корхонада бульдозер, экскаватор, юк кўтаргич, юк ташувчи қиркдан ортиқ қудратли техника имкониятларидан унумли фойдаланилмоқда. Бу ерда шу кунга қадар 70 минг тоннага яқин маҳсулот тайёрланди.

А.ОРТИҚБОЕВ,
ЎзА мухбири

Ҳуқуқий ислоҳот

«ХАБЕАС КОРПУС» ИНСТИТУТИ

уни қўллашни янада такомиллаштиришнинг аҳамияти

→3

Спорт

НАВБАТ «ПЛЕЙ-ОФФ»ГА

→4

Эътироф

— Кўплаб мамлакатларда бўлганман. Ўзбекистонни дунёнинг барча мамлакатларида яхши билишади. Бу ўринда мен ўзбек заминининг гўзаллиги ва саховатинигина эмас, бугун жамиятда рўй бераётган улкан ўзгаришларни ҳам назарда тутмоқдаман. Жумладан, сайёҳлик инфратузилмасининг барча тармоқларини изчил ривожлантириш борасида кенг кўламли ислоҳотлар олиб борилаётир. Буни юртингизда қад ростлаган кўплаб замонавий меҳмонхоналар, дам олиш масканлари, муҳташам иншоотлар, маҳобатли кўприклар мисолида ҳам кўриш мумкин. Ушбу янгиланишлар бунёдкор халқингизнинг юксак салоҳияти, тафаккур қудрати, истеъдод ва маҳоратининг ёрқин намоёнидир».

Хартманн КРЮГЕР (Германия).

Танқиддан сўнг...

«Хотиржамлик қимматга тушмайдими?»

Газетамизнинг шу йил 25 ноябрь сонида чоп этилган ушбу сарлавҳали мақолада халқ депутатлари Арнасой туман Кенгашидаги партиямиз депутатлик гуруҳининг электорат манфаатларига дахлдор муаммоларга лоқайд муносабати танқид қилинган эди. Таҳририятга мазкур мақолада кўтарилган масала юзасидан жавоб келди.

«Ўзбекистон халқ демократик партияси Жиззах вилоят кенгаши «Ўзбекистон овози» газетасининг шу йил 25 ноябрь сонида чоп этилган «Хотиржамлик қимматга тушмайдими?» деб номланган мақолада қайд этилган камчиликларни бартараф этиш ҳамда бошқа туман партия ташкилотларида бундай ҳолатларга йўл қўймаслик мақсадида тегишли тадбирларни амалга оширмоқда.

→2

Бир масалага икки хил қараш

Мамлакат келажаги билан боғлиқ масала

ҳақида гап кетганда, муаммога Либерал партия вакиллари каби юзаки ёндашиб бўлмайди

■ Кейинги пайтларда оммавий ахборот воситаларида уяли алоқа воситаларининг ижобий ва салбий томонлари ҳақида қатор баҳс-мунозаралар бўлаяпти. Айниқса, Ўзбекистон миллий телерадиокомпаниясининг «Ёшлар» телерадиоканали ва «Ўзбекистон овози» газетасида бу масалага кўп ўрин ажратилди.

Президентимиз Конституция байрамида замонавий алоқа ва ахборот технологиялари тизимини кенг кўламда ривожлантириш мамлакатимиз ва жамиятимизнинг тараққиёт даражасини кўрсатадиган мезонлардан бири эканини алоҳида таъкидлади.

Дарҳақиқат, Баркамол авлод йилида замонавий ахборот ва компьютер технологиялари, рақамли ва кенг форматли телекоммуникациялар ҳамда интернетнинг нафақат мактаб, лицей, коллеж ва олий ўқув юртларига, балки ҳар бир оилага олиб кириш ҳаракати янада кучайди.

→2

Мулоҳаза

Йўл белгисига муносабат билдириш арзимас гапдай туюлиши мумкин. Аслида, ҳар бир сўзга эътибор она тилига бўлган ҳурматимизни билдиради.

→4

Ёшлар ижод саройида «Келажак овози — 2010» республика кўрик-танлови доирасида миллий ва амалий санъат, архитектура ва дизайн йўналиши иштирокчиларининг ижодий ишлари кўргазмаси ташкил этилди.

ОБ-ҲАВО 23-24.12. 2010

	БУГУН	ЭРТАГА
Тошкент	3°C	5°C
Самарқанд	0°C	5°C
Нукус	2°C	7°C
Қарши	3°C	8°C
Урганч	2°C	7°C
Навоий	2°C	7°C
Фарғона	0°C	5°C
Бухоро	2°C	7°C
Андижон	0°C	5°C
Наманган	0°C	5°C
Термиз	3°C	8°C
Жиззах	0°C	5°C
Ғулистон	0°C	5°C
Тошкент вил.	0°C	5°C
Лондон	3°C	5°C
Париж	-2°C	3°C
Москва	-11°C	-9°C
Мадрид	-3°C	4°C
Пекин	-2°C	1°C
Гонконг	19°C	20°C
Рим	7°C	3°C
Анкара	8°C	7°C
Токио	8°C	7°C
Стокгольм	-10°C	-10°C
Кейптаун	13°C	15°C
Қоҳира	7°C	6°C
Гавана	16°C	15°C
Вашингтон	-2°C	0°C

O'zbekiston havo yo'llari
TOSHKENT XALQARO AEROPORTI
Хизматлар лицензияланган

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» — ХИЛМА-ХИЛ ФИКРЛАР МИНБАРИ, СИЗНИНГ МИНБАРИНГИЗ!

Обуна индекси — 220

Парламент фаолияти

Хизмат кўрсатиш соҳаси: ютуқлар ва муаммолар

Бухоро вилоят ҳокимлиги мажлислар залида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Саноат, қурилиш ва савдо масалалари қўмитасининг сайёр йиғилиши ўтказилди. Унда вилоятда хизмат кўрсатиш соҳаларини ривожлантиришнинг бугунги ҳолати ва истиқболлари бўйича ўтказилган назорат-таҳлил ишлари якуни муҳокама қилинди.

Йиғилишда Қонунчилик палатаси депутатлари, Сенат аъзолари, Бухоро ва Навоий вилоятлари туман ва шаҳар ҳокимлари ўринбосарлари, бошқа қатор идоралар, соҳага доир корхона ва ташкилот раҳбарлари иштирок этди.

Йиғилишда Президентимиз шу йил январда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлиси ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг йил якунларига бағишланган мажлисида илгари сурган устувор вазифаларни амалга ошириш борасида қилинган ишлар вилоят мисолида таҳлил этилди.

Таъкидландики, вилоят ҳокимининг «Вилоятда 2010 йилда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш дастури тўғрисида»ги қарори асосида муайян ҳудудий дастур ишлаб чиқилган. Унга кўра, ўтган 9 ой давомида вилоят бўйича хизмат кўрсатиш соҳасининг ялпи ҳудудий маҳсулотдаги улуши 34,9 фоизни ташкил қилди. Жами хизматлар ҳажми 1087,7 миллиард сўмга етиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан ўсиш таъминланди.

Вилоят Иқтисодиёт бош бошқармаси бошлиғи вазифасини бажарувчи Акмал Абдуллаев амалга оширилган ижобий ишлар билан бирга, Президентимизнинг «Ўзбекистон Республикасида 2006-2010 йилларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида», ҳамда «Ўзбекистон Республикасида 2010 йилгача бўлган даврда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорлари ижросини таъминлаш борасида ҳали ўз ечимини кутаётган қатор камчиликлар борлигини айтди.

Жумладан, вилоятда бандликни ошириш ва аҳоли даромадларини кўпайтириш, аҳолининг ижтиомий муҳофазасини кучайтириш ҳамда маҳаллий бюджетларни тўлдиришнинг истиқболли манбаи сифатида хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаси имкониятларидан тўлиқ фойдаланилмаяпти.

Хизмат кўрсатиш соҳаси, айниқса, қишлоқ жойларда суст ривожланмоқда. Натижада хизмат кўрсатиш соҳасининг ялпи ҳудудий маҳсулотдаги улуши республика кўрсаткичидан анча паст бўлиб қолмоқда. Вилоят, туман ва шаҳарларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш бўйича ҳудудий дастур ишлаб чиқилиган бўлса-да, ўтган даврда 10 турдаги хизматдан давлат дастурида белгиланган 9 та тур бўйича режалар тўла бажарилмаган. Йиғилишда дастурларда белгиланган вазифаларни бажаришга жиддий ёндашиш лозимлиги таъкидланди.

— Аҳолига хизмат кўрсатиш соҳасига оид қонунларимиз, Фуқаролик кодекси, тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари, стандартлаштириш, маҳсулотлар ва хизматларни сертификатлаштириш, суғурта фаолияти, истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида ва бошқа қонун ҳужжатлари ижроси вилоят мисолида ўрганилди, — дейди Қонунчилик палатасининг Саноат, қурилиш ва савдо масалалари қўмитаси раиси ўринбосари, ЎзХДП фракцияси аъзоси Фахриддин Ражабов. — Бу борада депутатларимиз ўз иш дастурларига ўзгартишлар киритиши зарур. Бундан ташқари, қонунларимизни янада такомиллаштириш ҳақида билдирилган таклифларни чуқур ўрганиб чиқишимиш лозим.

Йиғилишда хизмат кўрсатиш соҳаси самарадорлигини ошириш, соҳани қўллаб-қувватлаш, ривожланишига янада кенг шарт-шароит яратиш, мавжуд имкониятлардан оқилона фойдаланиш, қишлоқ аҳолисига хизмат кўрсатиш тизимини ўсиб бораётган талаб даражасига етказиш масалалари ҳақида атрофлича фикр юритилди. Ушбу соҳани янада ривожлантириш, жойларда янги иш ўринлари очилишига хизмат қилади.

Йиғилиш якунида билдирилган таклифларни инобатга олган ҳолда соҳадаги мавжуд камчиликларни бартараф этишга қаратилган тавсиялар берилди ва қўмитанинг тегишли қарори қабул қилинди.

Моҳигул НАЗАРОВА

Танқиддан сўнг...

«Хотиржамлик қимматга тушмайдими?»

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Хусусан, ЎзХДП Жиззах вилоят кенгаши ижроия қўмитаси ҳайъатининг махсус қарори қабул қилиниб, мақсадли тадбирлар режаси тасдиқланди. Шаҳар ва туман партия кенгашлари ҳамда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги депутатлик гуруҳларимиз фаолиятини ўрганиш, уларга амалий ёрдам кўрсатиш мақсадида тегишли ишчи гуруҳи ташкил этилди.

ЎзХДП Арнасой туман кенгаши ижроия қўмитаси ва халқ депутатлари туман Кенгашидаги партиямиз депутатлик гуруҳининг қўшма йиғилиши ўтказилди. Унда депутатлик гуруҳининг бугунги кун талаблари даражасида фаолият кўрсатмаётгани тўғри танқид қилингани таъкидланди.

Қонун билан берилган ваколатлардан депутатларимиз ҳақиқатан ҳам етарлича фойдаланмаётгани айтилди. Шу сабабли партиямиз электорати манфаати билан боғлиқ айрим масалалар эътибордан четда қоляпти. Бундан ташқари, партия ташкилотлари ва депутатлик гуруҳининг партиямиз Ҳаракат дастурида белгиланган вазифаларни амалга оширишга қаратилган ишлари ҳам суст даражада.

Партия фаоллари бундан буён аҳвол яна шундай давом этиши мумкин эмаслигига эътибор қаратдилар. Вилоят партия кенгаши ташкил этган ишчи гуруҳи билан бирга депутатлик гуруҳининг электорат манфаати билан бевосита боғлиқ масалаларни ўрганиш ва маҳаллий Кенгаш сессиялари, доимий комиссиялари йиғилишлари муҳокамасига киритиш бўйича аниқ вазифалари белгилаб олинди. Партия ташкилотлари ва депутатлик гуруҳи фаолиятининг устувор йўналишлари, эътибор қаратилиши зарур бўлган энг муҳим масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Айни пайтда худди шундай тадбирлар бошқа туманларда ҳам ташкил этилди. Уларда йиллик фаолият таҳлил қилиниб, янги вазифалар белгиланди.

Вилоят партия кенгашининг ишчи гуруҳи жойларда партия ташкилотлари ҳамда депутатлик гуруҳлари ишини самарали ташкил этишга амалий ёрдам кўрсатмоқда.

Ўзбекистон ХДП Жиззах вилоят кенгаши раиси П. ЙЎЛДОШЕВ».

ЎзХДП: Бошланғич ташкилот — асосий таянч

Фаоллар якдиллиги, ҳамжиҳатлиги

партия обрў-эътибори ошишига хизмат қилади

Урганчдаги Бобур номли маҳалла шаҳарнинг йирик ва обод масканларидан бири. Ҳудудда кўп қаватли уйлар, ишлаб чиқариш корхоналари, таълим масканлари бор.

Маҳалладаги ЎзХДПнинг бошланғич ташкилотига Муборак Собирова етакчилик қилади. У аҳолининг турмуш тарзи, қувончу ташвишларини яхши билади. Партиямиз электоратини қизиқтирган масалалар билан яқиндан таниш.

Маҳалладаги партия қуйи ташкилотида 22 нафар аъзо бор. Йирик маҳалла учун бу оз, албатта. Аммо буни етакчи шундай изоҳлади:

— Сон ортидан қувиш ҳамма вақт ҳам яхши натижа беравермайди. Аъзоларимизнинг барчаси фаол. Ўз бурчи ва вазифасини адо этиб келишаяпти. Қай бир мавзуда тадбир ўтказмайлик, унинг ташаббускор ва ташкилотчилари партиямиз аъзолари бўлишади. Шу боис ЎзХДПнинг маҳалла аҳли орасида обрўси катта.

Маҳаллада вақтинча ишсиз хотин-қизлар анчагина эди. Уларни касаначиликка йўналтириш бўйича сезиларли ишлар қилинди. Бунда Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази кўмакчи бўлаяпти. Зарур пайтда партиямиздан халқ депутатлари шаҳар Кенгаши депутати Фарҳод Курбонов ваколатларини ишга солиб, ташаббус кўрсатмоқда. Натижада бугун ҳудудда касаначилик ривож топиб, кўплаб хотин-қизлар иш билан таъминланди.

Шу ўринда депутат Фарҳод Қурбоновнинг партиядошлар ва аҳоли билан мустаҳкам ҳамкорликда ишлаётганини алоҳида қайд этиш жоиз.

Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, ободонлаштириш ва кўкламзорлаштириш, кўп қаватли турар-жой бинолари атрофида санитария-гигиена қоидаларини сақлаш, чиқиндиларни марказлашган ҳолда олиб чиқиш ишларини ташкиллаштириш, аҳолига коммунал хизмат кўрсатиш сифатини ошириш каби масалалар депутат назоратида. Ёки фуқаролар мурожаатларини олиб кўрайлик. Кўп қаватли уйларда яшовчи фуқаролар Р.Ғойипов номли, ҳамда «Оби-ҳаёт» кўчаларида электр энергияси таъминотидаги муаммолар ҳақида бошланғич ташкилот қошидаги Жамоатчилик қабулхонасига мурожаат билан чиқишди. Бошланғич ташкилот, шаҳар партия кенгаши фаоллари, депутат ҳамкорлигида олиб борилган ишлар натижасида бу масала ижобий ечим топди.

— Партиямиз аҳоли истиқомат жойларида тарғибот-ташвиқот ишларини мунтазам йўлга қўйган, — дейди маҳалладаги 23- умумтаълим мактаби директори ўринбосари, партиямиз фаоли Орзигул Каримова. — «Ёвуз кучлар халқимизни танлаган йўлидан қайтара олмайди» мавзусида учрашувлар, «Оилада тиббий маданиятни ошириш» мавзусидаги давра суҳбатлари маҳалла аҳли, айниқса, хотин-қизларда катта қизиқиш уйғотди. Тўй-маъракаларни тартибли, дабдабасиз ўтказиш масалалари ҳам доимий эътиборимизда. Одамларни қизиқтирадиган кундалик масалалар орқали биз партиямиз сайловолди дастурида белгиланган вазифаларни амалга ошириш, тарғибот-ташвиқот ишларини изчил олиб бориш, хайрихоҳларимизни кучайтиришга ҳаракат қилаяпмиз.

Маҳаллада истиқомат қилувчи Маргарита Ҳакимованинг миннатдорлиги бир қаращда арзимасдек туюлади: «Муқим иш билан банд эмасдим. Шу масалада маҳалла партия ташкилоти етакчисига учрашдим. Депутат Фарҳод Қурбоновнинг бевосита кўмаги билан ишга жойлашдим. ЎзХДП фаолларининг электорат манфаатини ҳимоя қилишга қаратилган ишларда якдиллиги, ҳамжиҳатлигини кўриб, очиғи, уларга ҳавасим келди. Энди мен ҳам шу партия аъзоси бўлмоқчиман». Бу кичик масала ортида бир инсон тақдири турибди. Ўзгалар дардини ўз дардидек қабул қилиш барчанинг ҳам қўлидан келавермайди, албатта.

Шаҳар партия кенгаши раиси Санобар Ботирова ҳузурида Муборак Собировани учратдик. Бошланғич ташкилот етакчиси Президентимиз илгари сурган Концепция мазмун-моҳиятини аҳоли орасида кенг тарғиб қилиш режасини ишлаб чиқибди. Уни амалга ошириш учун қўшимча адабиётлар, кўргазмали воситалар сўраб, шаҳар партия кенгаши раиси ёнига келибди.

Демак, ният яхши, шунга яраша ҳаракат бор, фаоллик бор. Бундай жойда ўсиш, ривожланиш бўлади, албатта.

Рўзимбой ҲАСАН, «Ўзбекистон овози» мухбири.

Жўрақўзи ҚЎЛДОШЕВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, ЎзХДП фракцияси аъзоси:

— Ёшларни асраш, ҳар қандай салбий ҳолатлардан эҳтиёт қилиш ва юртимизнинг муносиб фарзандлари этиб тарбиялаш барчамиздан юксак масъулият, огоҳликни талаб этади.

Бир масалага икки хил қараш

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Кейинги йилларда, айниқса, мобиль алоқа тизими кескин ривожланди. Нафақат ўзаро мулоқот, балки бошқа кўпгина хизматлар орқали ҳаётимизнинг ажралмас қисмига айланди. Чекка ҳудудлар, симли телефон етиб бормаган жойларда мобиль интернетдан фойдаланиш имкони таълим муассасалари учун айни муддао бўлди.

Мамлакат келажаги билан боғлиқ масала

ҳақида гап кетганда, муаммога Либерал партия вакиллари каби юзаки ёндашиб бўлмайди

Аммо ҳар бир масаланинг фойдали ва зарарли томонлари бўлгани каби бу соҳада ҳам ечимини кутаётган муаммолар талайгина.

Масалан, дарс вақтида ўқувчилардан бирининг қўл телефони жиринглаб қолди, дейлик. Ўқитувчи жон куйдириб мавзуни тушунтираяпти, бир ўқувчи телефонда клип кўраяпти, яна бири гаплашаяпти... Танаффусда ўқувчилар биронбир дарсни эмас, янги чиққан «хит»ни муҳокама қилишмоқда... Оқшом пайти ўқувчи дарс тайёрлаш ўрнига телефонда узоқ гаплашди...

Хуллас, буларнинг барчаси таълим сифатига, ўқувчининг фанларни ўзлаштиришига жиддий зарар етказади. Шуни ҳисобга олиб, Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзолари таълим муассасаларида уяли алоқа воситаларидан фойдаланишни тартибга солиш масаласини кўтармоқда.

Бироқ либерал партия бу ташаббуснинг моҳиятини тушунмасдан, очиғи, тушунишни ҳам истамай, саъй-ҳаракатимизни «подадан олдин чанг чиқариш» деб баҳолади. Яъни, ҳали муаммо томир отмасдан, фожиа юз бермасдан олдин нима кераги бор бу масалани кўтариб, дейишмоқчи. Демак, уларнинг фикрича, аввал бирон-бир фалокат юз берсин, кейин қонун ҳақида ўйлаш керак.

Бундай ғаройиб фикрга қандай баҳо бериш мумкин? «Ақллинга балли-э!», деб юборгинг келади.

Энди бевосита уяли алоқа воситаларининг ижобий ёки салбий томонини атрофлича таҳлил қилиб чиқсак. Аввало, мазкур мавзу кўтарилар экан, масаланинг ҳам ахлоқий, ҳам маънавий, ҳам ҳуқуқий жиҳатларини эътибордан қочирмаслик зарур. «XXI asr» газетасининг 2010 йил 2 декабрь сонида чиққан «Тақиқлаш йўлидан бормайлик» номли мақола муаллифи уяли алоқа воситаларининг фақат ижобий томонларини санаб, уларни тараққиётнинг устувор жиҳати сифатида баҳолаган. Савол туғилади. Тараққиёт уяли алоқа воситаларининг кўплиги, бошқача айтганда, тарқалиш кўламидан кўра, ундан қай мақсадда фойдаланишга кўпроқ боғлиқ эмасми?!

Шу ўринда қуйидаги фикрларга эътибор қаратайлик: **«Маълумки, бугун мамлакатимизда уяли алоқа телефонидан фойдаланувчилар сони 13 миллиондан ошмоқда. Уларнинг 3 миллион 360 мингга яқини мобиль интернетдан, қарийб 6 миллиони интернет тармоғидан фойдаланмоқда. Мана шу рақамларнинг ўзи ҳам юртдошларимизнинг ахборотга бўлган эҳтиёжи юқори эканини кўрсатиб турибди...»**

Уяли алоқа телефонидан фойдаланиш қанча кенгайса, бу борада ўзига яраша муаммолар ҳам пайдо бўлаётгани сир эмас. Шунинг учун биз телефонга эмас, унинг салбий оқибатларига қарши курашиш тарафдоримиз.

Айни мавзу юзасидан халқаро тажрибага эътибор қаратсак, гувоҳ бўламизки, инсон ҳуқуқлари борасида дунё миқёсида юқори ўринда бўлган давлатлар ҳам ўсмирлар орасида уяли телефондан фойдаланишни тартибга солувчи қонун ва қоидалар қабул қилган. Германия, Франция, Испания олимлари болалар мобиль телефондан кам фойдаланиши лозимлиги кўзда тутилган хулосалар бермоқда.

Буюк Британия Соғлиқни сақлаш департаменти болаларнинг уяли алоқа воситаларидан фойдаланиши нақадар аянчли оқибатларга олиб келиши мумкинлигини акс эттирган махсус қўлланмалар чиқармоқда. Уларни сотилаётган телефон аппаратига қўшиб тарқатмоқда. Ўқув муассасаларида уяли алоқа воситаларидан фойдаланиш қонун билан тақиқланган. Бу чекловлар дастлаб ўсмир ҳуқуқларига дахл қилишдек туюлиши мумкин. Чуқурроқ ўйлаб қарасак, бу бирёқлама қараш экани аён бўлади.

ЎзХДПнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзолари кўтараётган масала жуда долзарб, деб ҳисоблаймиз. Ўқув муассасаларида уяли алоқа воситаларидан фойдаланишни тартибга солишни назарда тутувчи қонун лойиҳаси ҳам назарий, ҳам амалий асосга эга. Шу билан бирга бу қонун лойиҳаси «Бола ҳуқуқлари тўғрисида»ги, «Таълим тўғрисида»ги, «Реклама тўғрисида»ги, «Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида»ги ҳамда «Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунларининг узвий давоми, десак асло хато бўлмайди.

ЎзЛиДеП нашридаги мақолада «тақиқлаш ахборотга бўлган эҳтиёжни нормал ҳолатдан ўзгартириб юбориши» айтилган. Бу эса либераллар нафақат ЎзХДП ташаббуси, балки миллий қонунчилигимиздан ҳам етарлича хабардор эмаслигини кўрсатади.

Нигора ШОМУРОДОВА, психолог:

— Вояга етмаганларнинг уяли алоқа воситаларидан узлуксиз фойдаланиши салбий оқибатларга олиб келиши мумкин. Хусусан, диққатнинг тарқоқлиги ҳосил бўлиши, тафаккурнинг мукаммал ва изчил шаклланмаслиги, фикр узвийлигига путур етиши каби ҳолатларга айнан ана шу воситалар сабаб бўлади. Бундан ташқари, уяли алоқа воситалари орқали ўрнатилган мулоқот визуал таассуротни таъминламайди. Бу эса мулоқот жараёнида ҳиссий тушунчанинг ҳосил бўлмаслиги ва психологик мутаносибликнинг таъминланишига салбий таъсир этади. Бу жиҳатдан эса мулоқот жараёнига нисбатан совуққонлик ва эътиборсизликнинг, маълумотларни кўр-кўрона идрок қилишнинг юзага келишига сабаб бўлади.

Феруза ҚАЮМОВА, Тошкент шаҳридаги 155-мактабнинг информатика фани ўқитувчиси:

— Ўқувчилар дарс вақтида уяли алоқа воситаларидан фойдаланмаслиги лозим. Чунки дарс машғулотлари давомида кутилмаганда турли мусиқа ва бошқа шовқин дарс сифатига салбий таъсир этади. Албатта, болаларда шўхлик бўлади, аммо ҳамма нарсанинг ўз ўрни бор. Шу боис ота-оналар ўз болаларига телефон аппаратлари олиб бераётганида фойдаланиш қоидаларини ҳам қулоқларига қуйишлари лозим.

Нуриддин ТОШБОЕВ, Республика Давлат санитария-эпидемиология назорати маркази ходими:

— Бола, айниқса, 16 ёшгача жисмоний, ақлий ривожланиш даврида бўлади. Мобиль алоқалар эса магнит майдон ҳисобига ҳосил бўлувчи жараёндир. Магнит тўлқини физиологик жараённи издан чиқаради. Бош мияга яқин бўлган жойда магнит майдони ҳосил бўлиши унда салбий ўзгаришлар: асаб толаларининг таъсирланиши натижасида миянинг баъзи қисмларида қон айланиши ва моддалар алмашинувининг бузилиш ҳолатлари содир бўлишига олиб келади. Узоқ йиллар давомида бундай ҳолат такрорланиши эса бош мия ўсмасининг пайдо бўлиши ва эшитиш қобилиятининг пасайишини келтириб чиқаради. Шунингдек, тез асабийлашиш, уйқунинг бузилиши каби қатор салбий оқибатлар келтириб чиқаради.

Алия ЮНУСОВА, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, ЎзХДП фракцияси аъзоси:

— Қонун қабул қилиш, албатта, бир-икки кунда тор доирадаги одамлар фикри билан ҳал этиладиган масала эмас. Шу боис либераллларнинг тақиқлашга қарши бўлишини тушуниш мумкин, лекин ана шу тақиқнинг ҳам чегараси билан қизиқиб кўрилса, мақсадга мувофиқ бўлар эди. Бизнинг таклифимизда уяли алоқа воситаларидан фойдаланишни бутунлай тақиқлаш эмас, фақат таълим муассасаларида фойдаланишни тартибга солиш кўзда тутилган. Ахир ўқувчи ва талабанинг илм олишдан бошқа яна қандай мақсади бўлиши мумкинки, дарс машғулоти пайтида барчани чалғитиб, хаёлини бўлса?

Шунингдек, аёлларнинг ҳомиладорлик даврида ҳомиланинг ҳар томонлама соғлом ва бехавотир, ташқи таъсирлардан холи ривожланишини таъминлаш мақсадида бу даврда уяли алоқа воситаларидан фойдаланишни чеклаш тўғрисида ҳам таклифлар бор. Бу ҳолатда фақатгина она ва бола саломатлиги инобатга олинган.

Мутахассисларнинг қайд этишича, 11-15 ёш психологияда кризиснинг иккинчи даври деб аталади. Айнан ўсмирлик ёшида ўртоқлашиш, ҳиссий кечинмаларни ифодалаш, янги ахборот ва маълумотларни ўзлаштириш ҳамда тақлид жараёни юқори эҳтиёж тизимига эга бўлади. Бундай эҳтиёжлар тизими эса мулоқот воситасида таъминланади. Бугунги кунда бу жараён асосан, уяли алоқа воситаларида давом этмоқда. Ўсмирлик даврида айнан йигит-қизлар мана шундай замонавий кўринишдаги воситаларга асосланган мулоқотга ўч бўлади. Ҳаддан ташқари нурланиш, мияга электромагнит майдонининг узлуксиз таъсири хавфли кассалликларни келтириб чиқариш билан бирга кучли агрессия ҳиссини пайдо қилиб, психологик тушкунлик кайфиятига ҳам олиб келиш эҳтимоли мавжуд.

Либераллар масалага чуқур ёндашиб, сўнг ўз фикрларини билдирганда, бунчалик мавҳум ва юзаки гаплар «XXI asr» газетаси саҳифасидан ўрин олмас эди. Уяли алоқа воситалари орқали юзага келаётган муаммолар борасида ҳам бирон-бир аниқ фикри бўлар эди. Ёки ЎзЛиДеП учун уяли телефонларни сотиш, кўпайтириш, улардан кўпроқ фойдаланиш, кўпроқ пул тўплаш муҳиму ёшлар соғлиги, тарбияси аҳамиятсизми?

Алишер РАВШАНОВ

«Матбуот таркатувчи» АК 2011 ЙИЛ УЧУН МАТБУОТ НАШРЛАРИГА ОБУНА ДАВОМ ЭТМОКДА Тел: 233-75-49, сайт: www.akmt., e-mail: info@akmt.uz

Ҳуқуқий ислоҳот

«ХАБЕАС КОРПУС» ИНСТИТУТИ

уни қўллашни янада такомиллаштиришнинг аҳамияти

Суд-ҳуқуқ ислоҳотлари бугунги кунда ўзининг янги поғонасига кўтарилмоқда. Бу жараёнда санкция беришнинг судларга ўтказилиши муҳим босқич бўлди. Президентимиз таъкидлаганидек, «суд — одил судловнинг олий нуқтаси ва унинг ролини ошириш ҳуқуқий давлат барпо этиш йўлидаги қонуний жараён»дир. Шу маънода, санкция бериш ваколатининг судларга ўтказилиши, яъни Хабеас корпус институтининг жорий этилиши билан одил судловни амалга оширишда адолатлилик, инсонпарварлик тамойиллари амалда қўлланиши учун яна бир ҳуқуқий кафолат яратилди.

Жумладан, Президентимизнинг 2005 йил 8 августдаги «Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказиш тўғрисида»ги Фармони ва ундан келиб чиқиб қабул қилинган «Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқининг судларга ўтказилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонун юқорида биз кўриб чиққан пакт қоидалари миллий қонунчиликка тўла қўлланилганининг ёрқин ифодасидир.

Чунки одил судловни амалга оширишдаги қамоққа олишга санкция бериш институти, бошқача айтганда, «Habeas Corpus» институти Ўзбекистон Конституциясида ўзининг конституциявий мақомини топган. Яъни, унинг 19-моддасида «Фуқароларнинг Конституция ва қонунларда мустаҳкамлаб қўйилган ҳуқуқ ва эркинликлари дахлсиздир, улардан суд қарорисиз маҳрум этишга ёки уларни чеклаб қўйишга ҳеч ким ҳақли эмас». Юқоридаги қонун қабул қилиниши билан Ўзбекистон Республикасининг «Жиноят-процессуал кодекси»га, «Судлар тўғрисида»ги ҳамда «Прокуратура тўғрисида»ги қонунларнинг тегишли моддаларига ўзгартишлар киритилди.

Бу қонуннинг қабул қилиниши инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоялашнинг процессуал кафолатларини мустаҳкамлаш йўлида яна бир муҳим қадам бўлди. Бу ўз ўрнида суд-ҳуқуқ тизимини янада демократлаштириш ва либераллаштиришнинг яққол далилидир.

Бу қонунга кўра, дастлабки терговда холислик, тортишувчилик, судга мурожаат қилиш эркинлиги ва суд орқали ҳимояланиш тамойиллари кучайди. Терговчи ва прокурор томонидан гумон қилинувчи ва айбланувчини қамоққа олиш ёки дастлабки тергов муддатини узайтириш учун суднинг қарори талаб этилиши йўлга қўйилди.

Мамлакатимизда «Хабеас корпус» институти қўлланишининг амалий аҳамияти тўғрисида Президентимиз Ислом Каримов Олий Мажлис палаталарининг 2010 йил 12 ноябрдаги қўшма мажлисида шундай деди: **«Ушбу қарорнинг ўз вақтида ва пухта ўйлаб қилингани бугунги кунда кўпгина амалий мисолларда ўз исботини топмоқда. Мазкур институтнинг амалиётга татбиқ этилиши инсоннинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликлари, унинг дахлсизлигини ҳимоя қилишда муҳим омил сифатида намоён бўлмоқда. Ушбу институт жорий этилган 2008 йилнинг январидан буён судлар томонидан дастлабки тергов органларига 700 мартадан ортиқ ҳолатда мазкур эҳтиёт чорасини қўллаш рад қилингани ҳам буни яққол тасдиқлаб турибди».**

Юқоридагилардан келиб чиқиб, айтиш мумкинки, Хабеас корпус институтининг миллий қонунчилигимизга жорий этилиши билан қайд этилган пакт қоидаларини тўлиқ имплементация қилиш учун яна бир ҳуқуқий замин яратилди. Бу эса мамлакатимизнинг халқаро мажбуриятларни босқичма-босқич, изчил, аммо ҳар томонлама чуқур ўйланган ҳолда бажараётгани ҳамда миллий қонунчилигимизнинг *илғор хорижий тажриба* ва *умумэътироф этилган халқаро меъёрлар* асосида ривожланиб бораётганидан далолат беради.

Хабеас корпус институти киритилиши билан қонунчилигимизни такомиллаштириш тўхтаб қолгани йўқ, албатта. Хусусан, Хабеас корпус институтини кенгайтириш асосида дастлабки тергов жараёнларида инсон ҳуқуқларини таъминлашни янада кучайтириш мақсадида Президентимиз Олий Мажлис палаталари қўшма мажлисида Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 29- ва 31-бобларига ҳам ўзгартириш ва қўшимчалар таклиф этди. Яъни, **«Судга қадар иш юритув босқичида қўлланадиган чоралар, яъни лавозимдан четлатиш ва шахсни тиббий муассасага жойлаштириш тарзидаги процессуал мажбурлов чораларини фақат судьянинг санкцияси асосида қўллаш тартиби назарда тутилмоқда».**

Хабеас корпус институтини мамлакатимиз қонунчилигида янада такомиллаштириб борилиши суд ҳокимиятини, биринчидан, Президентимиз таъбири билан айтганда, инсон ва фуқаро ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя ва муҳофаза этишга хизмат қиладиган том маънодаги мустақил давлат институтига айлантириш билан бирга, дастлабки тергов жараёнида суд назоратини кучайтириш, соҳани янада кенгайтириш имконини беради. Энг муҳими, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш борасида умум эътироф этилган принциплар ва халқаро ҳуқуқ нормаларининг амалга оширилишини таъминлайди.

Бу таклифлар, биринчидан, суд ҳокимияти мустақиллигини янада кучайтириш билан бирга инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш механизми самарадорлигини, иккинчидан, одил судловни амалга оширишда айблов ва ҳимоя институтларининг тенглик принципини таъминлашни кучайтиради. Учинчидан эса, инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликларини чеклашга қарши суд тизимида яна бир ҳимоя механизми шакланмоқдаки, бу нафақат суднинг, балки дастлабки тергов органларининг ҳам судга қадар иш юритиш босқичида лавозимдан четлатиш ва шахсни тиббий муассасага жойлаштириш тарзидаги процессуал мажбурлов чораларини қўллашдаги масъулиятини оширади.

Абдулҳай МЎМИНОВ,
Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети кафедра мудири, юридик фанлар номзоди.

Одил судловда Хабеас корпус қадимий институтлардан бири ҳисобланади. «Хабеас-корпус» (Habeas Corpus) атамаси лотинча бўлиб, «танани, шахсни (судга) келтириш» маъносини англатади. Ғарб мамлакатларида ҳибсга олинган ёки қамоқда сақланаётган фуқаронинг адолатли суд орқали ҳимояланишга бўлган ҳуқуқини «хабеас-корпус» деб номлаш одат тусига кирган.

Бу институт XII асрлардан бошлаб қўлланила бошланган. У 1679 йил 26 майда Англия парламенти томонидан қабул қилинган «Фуқаро эркинлигини янада яхшироқ таъминлаш ва денгиздан ташқари ҳудудларда асоссиз ҳибсга олишларнинг олдини олиш тўғрисида»ги ҳужжат ёки «Habeas Corpus Act»да ўзининг меъёрий ифодасини топди.

Мазкур акт айбланувчини ҳибсга олиш ҳамда фуқаронинг ҳибсга олиниши ёки қамоқда сақланиши устидан суд назоратини амалга ошириш қоидаларини белгилаб берган. Унда ўзининг ёки бошқа бирон кишининг ҳибсга олинишини ноқонуний деб ҳисоблаган шахснинг аризасига биноан судья зудлик билан ҳибсга олинган шахсга қўлланилган эҳтиёт чорасининг қонунийлигини текшириш ва муҳокама ўтказиш учун суд мажлисига олиб келиш ҳақида қарор чиқариши зарурлиги белгиланган. Тегишли асосларни кўрсатмасдан айбланувчини ҳибсга олиш ёки қамоққа маҳкум этиш тақиқланган.

Бу акт ўз даври учун энг одилона ҳужжатлардан ҳисобланган ва демократик жамиятлар томонидан тезда қабул қилинган.

«Habeas Corpus» ҳуқуқи тезкорлик билан англосаксон ҳуқуқ тизимига кирувчи мамлакатлар ҳамда Лотин Америкаси давлатлари қонунларида ўз аксини топган ва бугунги кунда дунёнинг аксарият мамлакатлари қонунчилигида қўлланилади. Бу институт кейинчалик АҚШ Конституциясининг 9-бўлимида ўзининг конституциявий мақомини топди. Эндиликда у аксарият давлатлар конституциялари ва миллий қонунчилигида ўз ифодасига эга.

Бу институтнинг кейинги ривожида инсоннинг одил судловга ва айбсизлик презумпциясига бўлган ҳуқуқи акс эттирилган кўплаб халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар муҳим ўрин тутади. Жумладан, 1948 йилдаги «Инсон ҳуқуқлари ўмумжаҳон декларацияси», 1966 йилдаги «Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт», 1984 йилдаги «Қийноқ ҳамда муомала ва жазолашнинг қаттиқ шафқатсиз, инсонийликка зид ёки қадр-қимматни камситувчи турларига қарши конвенция», 1979 йилдаги «Ҳуқуқ-тартиботни таъминлаш бўйича мансабдор шахслар хулқ-атвори кодекси», 1989 йилдаги «Ҳуқуқ-тартиботни таъминлаш бўйича мансабдор шахслар хулқ-атвори кодексини самарали амалга ошириш асосий принциплари», 1985 йилдаги «Суд мустақиллигини таъминловчи принциплар» ва 1990 йилдаги «Суд органларининг мустақиллигини таъминлаб берувчи асосий принципларни самарали амалга ошириш ҳақидаги ҳужжат»лар шулар жумласидандир.



Масалан, Ўзбекистон Республикаси 1995 йили қўшилган ва халқаро ҳуқуқда jus cogens меъёрларидан ҳисобланган «Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт»нинг 9-моддаси 3- ва 4-бандларида Хабеас корпус институти моҳияти акс эттирилган. Хусусан, 3-банди: «жиноий айблов билан қамалган ёки ушланган ҳар бир шахс зудлик билан судья ёки қонун бўйича суд ҳукмронлигини амалга ошириш ҳуқуқига эга бўлган бошқа мансабдор шахс ҳузурига келтирилади ва айбланаётган шахс оқилона муддат ичида иши судда кўрилиши ёки озод қилиб юборилиши ҳуқуқига эга. Иши судда ҳал этилиши кутилаётган шахсларни ҳибсда тутиб туриш умумий қоида бўлмаслиги, бироқ озод қилиш, судга келиш, судда иш кўриб чиқилаётганда унинг ҳар қандай босқичига келиш кафолатларини беришга, зарур ҳолларда ҳукмни ижро этиш учун келишга боғлиқ қилиб қўйилиши мумкин». Бу модданинг 4-банди: «Қамоққа олиниши ёки ҳибсда ушланиб туриши туфайли озодликдан маҳрум этилган ҳар бир шахс ўз ишининг судда кўриб чиқилиши ҳуқуқига эга, чунки суд дарҳол унинг ушланиши қанчалик қонуний эканлиги борасида қарор чиқара олсин ва агар унинг ушланиши ноқонуний бўлса, озод қилиш ҳақида фармойиш берсин».

Инсон ҳуқуқлари соҳасида 70 дан ортиқ халқаро ҳуқуқий ҳужжатларга қўшилган Ўзбекистон ўз миллий қонунчилигини илғор хорижий тажриба ва халқаро стандартлардан келиб чиқиб такомиллаштириб бормоқда.

Хорижда

8 ой деганда

фавқулодда ҳолат бекор қилинди

Таиланд ҳукумати мамлакат пойтахти Бангкокда ва унга яқин учта музофотда амалда қўлланиб келинаётган фавқулодда ҳолатни чоршанбадан эътиборан бекор қилди. Таиланд маъмурияти маълум қилишича, дея хабар беради «France Presse» АА, мамлакатда вазият осойишта ва барқарорлашган.

Маълумки, жорий йилнинг бошларида муҳолифат тарафдорлари бўлмиш «қизил кўйлаклилар» мамлакат ҳукумати истеъфосини ва навбатдан ташқари сайловлар ўтказилишини талаб қилиб, оммавий норозиликлар уюштирган ва акция иштирокчилари билан полиция ўртасида тўқнашувлар юз бериб, оммавий тартибсизликлар юзага келгани боис апрель ойида бир неча музофотда ва Бангкокда фавқулодда ҳолат эълон қилинган эди. Аста-секин вазият барқарорлашгач, бир неча музофотда фавқулодда ҳолат бекор қилиниб, фақат Бангкок ва унга яқин учта музофотда бу тартиб сақланиб қолинган эди.

Дарвоқе, полиция билан юз берган тўқнашувлар натижасида 90 киши ҳаётдан кўз юмган, 1900 киши турли даражада тан жароҳати олган.

Таксичиларга «бронежилет»лар

тарқатилмоқда, чунки...

Нью-Йорк такси ҳайдовчилари федерацияси шаҳарнинг Бронкс, Бруклин ва Квинс сингари жиноятчилик кучайган туманларида фаолият юритувчи такси ҳайдовчиларига танани ҳимояловчи ўқ ўтмас камзул — «бронежилет» тарқатмоқда. Мақсад такси ҳайдовчиларини жиноятчи тўдалар ўқларидан ва ҳужумларидан ҳимоя қилиш.

Федерация маъмурияти Нью-Йорк полициясидан яна «бронежилет»лар сўрамоқчи.

Нью-Йорк такси ҳайдовчилари федерацияси раҳбари Фернандо Матеонинг «New York Daily News» газетаси мухбирига берган интервьюсида айтишича, Нью-Йоркда кунига ўртача 300 га яқин таксичига жиноятчилар ҳужуми қайд этилмоқда. Жорий йилнинг июнида Бронксда бир таксичи жиноятчилар томонидан отиб ташланган. Ўтган ҳафта эса Квинсда яна бир таксичига ўқ узилган ва ишлаб топган пули ўмариб кетилган.

«АГРОБАНК» ОАТБ

ўз акциядорлари, мижозлари ва барча ҳамюртларимизни кириб келаётган

ЯНГИ – 2011 ЙИЛ

билан табриклайди!

Янги йилда сизга сиҳат-саломатлик, тинчлик ва улкан муваффақиятлар тилаймиз!

Сизларга қуйидаги банк хизмат турларини таклиф этамиз:

- **Visa Card** — дунё бўйлаб молиявий эркинлик!
- **Пул ўтказмалари** — тез, оддий ва ишончли!
- **Юридик шахслар учун юқори фоизли депозит сертификатлар!**
- **Депозит катакчалар** — қимматли бойликларингизнинг кафолатли сақланиши!
- **Пластик карточка** — замонавий ва ишончли тўлов воситаси!

Пул омонатлари — даромадингизни кўпайтиришнинг ишончли усули!

Хизматлар лицензияланган

AGROBANK



Корхона ва ташкилотлар раҳбарлари диққатига!

САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ ИНЖИНИРИНГ КОМПАНИЯСИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 2 июндаги «2008-2012 йилларда Ўзбекистон Республикасида болалар сув спортини ривожлантиришнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига асосан 2011 йилда капитал таъмирланиши режалаштирилган қуйидаги объектни тўлиғича қуриб фойдаланишга топшириш шарти билан пудратчи ташкилотни танлаш буйича

ТАНЛОВ САВДОСИ ЎТКАЗИЛИШИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

№	Объект номи ва манзили	Буюртмачи бошланғич нархи ҚҚС билан	Буюртмачи бошланғич нархи ҚҚСсиз	Қурилиш муддати
1.	Пахтачи тумани, Хумор ҚФЙдаги сузиш ҳавзасини капитал таъмирлаш	925 795 031 сўм	771 495 859 сўм	7 ой

Қурилиш ишлари Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

Савдо ташкилотчиси — Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасининг Самарқанд вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг маркази.

Буюртмачи: Самарқанд вилояти ҳокимлиги инжиниринг компанияси

Манзили: Самарқанд шаҳри, Кўк-Сарой майдони, 1-уй, ***телефон:*** (8366) 235-82-86.

Талабгор сифатида иштирок этаётган корхона ва ташкилотлар қуйидаги талабларга мос келишлари керак: танлов савдолари предмети қийматининг камида 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағнинг мавжудлиги ёки кўрсатиб ўтилган маблағни беришга банк кафолатномаси, ишлаб чиқариш базалари, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассислар мавжудлиги, танловга қўйилган объектга ўхшаш иншоотларда ишлаганлик тажрибасига, кўникмаларга ҳамда шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқатга эга бўлишлари лозим.

Танлов савдоларида мамлакатимиз ва чет эл қурилиш ташкилотлари қатнашганда, уларнинг танлов таклифларини баҳолашда мамлакатимиз пудратчиларига қуйидаги нарх преференциялари эътиборга олинади: қонун ҳужжатларига мувофиқ импорт қилувчилар қўшилган қиймат солиғидан озод қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар)ни импортга етказиб бериладиган танлов таклифлари қатнашчиларининг танлов таклифларини баҳолашда кўрсатиб ўтилган солиқ суммаси қўшимча равишда ҳисобга олинади.

Савдода қатнашиш ва танлов савдоси ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — Самарқанд вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат қилиш мумкин:

Самарқанд шаҳри, Кўк-Сарой майдони, корпус-2Д, 403-хона.
Тел: *231-13-51,* ***факс:*** *233-32-00.*

Танлов ҳужжатлари бир тўпламининг қиймати — 80 000 сўм.

Таклифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати — оферталар очилиш куни ва соатигача.

Таклифлар (оферталар) очилиши матбуотда эълон чоп этилгандан бошлаб камида 30 кундан кейин қуйидаги манзилда: **Самарқанд шаҳри, Кўк-Сарой майдони, Самарқанд вилоят ҳокимлиги биносининг кичик мажлислар залида соат 10.00** да ўтказилади.

Спорт

Навбат «плей-офф»га

Швейцариянинг Ньон шаҳрида футбол бўйича Европа чемпионлар лигаси нимчорак финал учрашувларига қуръа ташланди. Унга кўра, нимчорак финалда қуйидаги жамоалар ўзаро рўбарў келадиган бўлди:

ЕВРОПА ЧЕМПИОНЛАР ЛИГАСИ
1/8 финал

«Рома» (Италия) — «Шахтёр» (Украина)
«Милан» (Италия) — «Тоттенхэм» (Англия)
«Валенсия» (Испания) — «Шальке-04» (Германия)
«Интер» (Италия) — «Бавария» (Германия)
«Лион» (Франция) — «Реал» (Испания)
«Арсенал» (Англия) — «Барселона» (Испания)
«Марсель» (Франция) — «Манчестер Юнайтед» (Англия)
«Копенгаген» (Дания) — «Челси» (Англия).

Дастлабки учрашувлар келгуси йил 15/16 — 22/23 февраль, жавоб ўйинлари эса 8/9 — 15/16 март кунлари бўлиб ўтади.

Тошкент шаҳар Ҳамза туманидаги «VERO MIRINO» масъулияти чекланган жамияти (ИНН 300872577, ОКПО бўйича код 22454256) устав фонди миқдори 117759600 сўмдан 11864260 сўмга камайганлигини **МАЪЛУМ ҚИЛАДИ.**

Тақдимот

Экожурналистлар танлови ғолиблари

Маълумки, табиат, атроф-муҳитни муҳофазалаш йўналишда фаолият олиб бораётган ижодкорларнинг касб малакасини ошириш, тажриба алмашиш мақсадида 2001 йилдан буён марказий Осиё давлатларининг экологик ташкилотлари ҳамкорликда экожурналистика минтақавий фестивалини ўтказиб келмоқда. Зеро, ҳамюрт касбдошларимиз бу тадбирда 2002 йилдан бери фаол иштирок этиб келади.

Бинобарин, «Баркамол авлод йили»да ҳам Ўзбекистон экологик ҳаракати, табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Ўзбекистон ННТ Экофоруми, Ўзбекистон журналистлари ижодий уюшмаси, мустақил оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш, ҳамда ривожлантириш фонди, ННТ миллий уюшмаси ҳамкорликда навбатдаги танловни ташкил этди.

Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти мажлислар залида Миллий танловнинг 2010 йилги ғолибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

— Ташкилий қўмитага республикамизнинг турли оммавий ахборот воситаларида фаолият олиб бораётган журналистларнинг юзга яқин турли йўналиш ва мавзулардаги ижодий ишлари тақдим этилди, — дейди Ўзбекистон экологик ҳаракати Марказий Кенгаши Ижроия қўмитаси раиси ўринбосари, профессор Саидрасул Сангинов. — Миллий танловдан кўзлаган мақсад, ижодкорларимизнинг атроф-муҳитни муҳофазалаш, табиатни асраш, табиий бойликлардан оқилона фойдаланишга бағишланган тақлилий, бадиий-публицистик мақолалари, радио эшиттириш, телекўрсатувлари орқали жамоатчилик фикрини уйғотиш, экологик маданиятни юксалтиришдир.

Танлов якунига кўра таҳлилий мақола йўналишида Гулбаҳор Тангриева, энг яхши бадиий-публицистик мақола йўналишида Омирбой Отеулиев, радио журналистика бўйича Шуҳрат Зокиров, Елена Чупурнова сара экотелекўрсатув, интернет йўналиши бўйича Валентина Павловекаялар ғолиб бўлишди.

Саида САЙХУН,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Мулоҳаза

Табиатан пиёда юришни, табиатни кузатишни хуш кўраман. Шунданми, ҳар куни эрталаб ишхонагача бир-икки бекат яёв юраман. Очиғи, пойтахтимиз кўча, хиёбонлари гўзал ва фусункор. Хаёллар тизгинини қўйиб юбориб анҳор бўйида, Мустақиллик майдонида сайр этиш оламжаҳон завқ беради. Аммо, тўғриси, анчадан буён марказий кўчадаги бир манзара кўнглимни ғаш қилади, ўйлантиради. Балки бу ҳол бошқаларга ҳам шундай таъсир этар?

«Stop» — «Тўхта»

Ҳеч эътибор берганмисиз, кўчаларда, темир йўл кесишган жойларда ва хизмат машинасидан бошқа автомобиллар кириши тақиқланган ерларда, блок постларда «STOP» деган йўл ҳаракат белгиси қўйилган. У бирдан кўзга ташланади. Шу белгини ўзбек тилида ёзиш мумкин эмасми?

Дарҳақиқат, кўп миллатли мамлакатда яшаймиз. Бошқа тилларни ҳеч камситмаган ҳолда айтмоқчимиз, ҳурматимиз рамзи сифатида ёки бутун жаҳон конвенциясида бу белги «STOP» деб қабул қилинган бўлиши мумкин. Лекин масаланинг бошқа томони бор. «STOP» йўл ҳаракат белгиси саккиз бурчакли бўлиб, ўртаси қизил рангда, ёзуви эса оқ рангга бўялган. Бу белгини дарров ажратиб олиш ҳеч кимга қийинчилик туғдирмайди.

Чунки бундай шаклдаги белги фақат «STOP»—Тўхташни билдиради, бошқа йўл ҳаракат белгилари бундан мустасно.

Тўғри, «STOP» йўл ҳаракат белгиси ўзбек тилида ёзилса, хорижлик сайёҳлар тушунмаслиги мумкин. Лекин уни шаклидан англаб олиш қийин эмас.

Гап шундаки, аксарият ривожланган давлатларда бу белги ўз тилида ёзилган. Масалан, Канадада уч тилда қайд этилган. Ҳиндистон, Малайзия, Туркияда «STOP» йўл ҳаракат белгиси ўз миллий ёзувида ва давлат тилида ёзилган.

Хўш, бу мулоҳазага мутахассис қандай муносабат билдирар экан?

Абдулла Қодирий номли Тошкент Давлат маданият институтининг ўзбек ва жаҳон филология кафедраси мудири, филология фанлари номзоди, доцент Равшан Жомонов:

— Мазкур сўз инглиз тилидан ўзлашган бўлиб, ҳозирги пайтда кенг тарқалган атама ҳисобланади. Дунё тажрибасидан келиб чиқсак, бу сўзни ўзбек тилига «Тўхтанг» тарзида таржима қилиб, ўзбек лотин алифбосида ёзиб қўйиш мақсадга мувофиқ деб ўйлайман. Чунки, «STOP» сўзининг она тилимизда ажойиб муқобили бор. «Тўхтанг» ёки «Тўхтатинг» сўзларида ўзбекона руҳ, миллий менталитет акс этади. У орқали ҳайдовчи қалбига миллий кайфият кириб боради. Юртимизга ташриф буюрган хорижликлар унга эътибор қилади, ёдида қолади, керак бўлса, сўз бойлиги яна бир сўз билан бойийди.

Бир қарашда, бир белгига муносабат арзимас гапдай туюлиши мумкин. Аслида, ҳар бир сўзга эътибор она тилига бўлган ҳурматимизни ўзида намоён этади.

Бардамбек САЪДУЛЛАЕВ

Баркамол авлод

Юксак чўққиларни кўзлаган,
Сен лочинсан, мағрур бургутсан.
Мустақиллик билан туғилган
Йигирмага кирган йигитсан.

Сочларингни фаришта ўрган,
Атрофингда ошиқлар ҳалак.
Шоирларнинг тушига кирган
Қўллар етмас гўзал бир малак.

Тоғдан ошдинг, довондан ошдинг,
Қураяпсан буюк бир давлат.
Қадамингдан барака унсин,
Тенгдош дўстим — Баркамол авлод!

Одина ҚУЛМУРОДОВА,
талаба.

«ЎЗБЕКТЕЛЕКОМ» акциядорлик компанияси тизимидаги

«ТОШКЕНТ ШАҲАР ТЕЛЕФОН ТАРМОҒИ ФИЛИАЛИ»

жамоаси

халқимизни кириб келаётган

ЯНГИ — 2011 ЙИЛ БИЛАН

самимий муборакбод этади.

Ҳамюртларимизни Янги йил билан қутлар эканмиз, уларнинг хонадонларида тинчлик, хотиржамлик бўлишини тилаймиз!

BOSH MUHARRIR:
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:
Abdulla ORIPOV
Latif G'ULOMOV
Bobir ALIMOV
Sharbat ABDULLAYEVA
Murodulla ABDULLAYEV
Ulug'bek MUSTAFOYEV
Tat'yana KISTANOVA
(Bosh muharrir o'rinbosari)
G'affor HOTAMOV
(Bosh muharrir o'rinbosari)
Muslihiddin MUHIDDINOV
Andrey KUSTOV
Ochilboy RAMATOV
Saidahmad RAHIMOV

MUASSIS:
O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO'LIMLAR:
Partiya hayoti 233-10-13
Madaniyat va sport 233-69-45,
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 233-20-36, 233-44-55
Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ'ibot 233-12-56
Reklama va e'lonlar 233-38-55, 233-47-80
Mas'ul kotib 233-72-83, 236-55-17

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — (374) 225-32-70
Buxoroda — (365) 223-06-02
Gulistonda — (367) 225-46-45
Jizzaxda — (372) 227-48-35
Navoiyda — (436) 223-83-73
Namanganda — (369) 226-43-81
Nukusda — (361) 222-77-21
Samarqandda — (366) 235-02-55
Urganchda — (362) 517-30-58
Farg'onada — (373) 224-18-78
Denovda — (376) 412-37-80

MANZILIMIZ:
100000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO'CHASI, 32-UY.

Navbatchi: Zohid USMONOV

Gazeta «O'zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.

Sahifalovchi-dasturchilar: Sobirjon TUNG'ATOV, Zafar BAKIROV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi. Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007 yil 11 yanvarda ro'yxatga olingan. Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 1149
7568 nusxada bosildi
1 — Tijorat materiallari
ISSN 2010-7633
O'zA yakuni — 20.30
Topshirilgan vaqti — 23.30
1 2 3 4
Sotuvda erkin narxda